



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРИШ ТАРТИБИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Мўътабар Абдурайимова

Қарши ДУ 2-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7869798>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-april 2023 yil

Ma'qullandi: 24-april 2023 yil

Nashr qilindi: 27-april 2023 yil

KEY WORDS

Олий таълимдан кейинги
таълим, илмий даража,
Олий аттестация
комиссияси

ABSTRACT

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида илмий даража бериш тартибининг янгидан жорий этилиши ва унинг ҳуқуқий тизимининг яратилиш тарихи таҳлил қилиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришганлиги, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлининг танлаганлиги, жамият олдига «юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир». Янги кадрлар авлодини шакллантиришдек ўта муҳим вазифа сифатида қўйилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, давлатимизда илм-фан ривожига дастурий ёндошилиб, унинг сифат жиҳатидан ривожланишига мамлакатимизда жуда катта илмий-ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу борада, жумладан, қуйидаги ҳужжатларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида”ги 371-сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4456-сонли фармони; 1992 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони; 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги 438-сонли фармони; 1997 йил 11 ноябрдаги “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги 1880-сонли фармони; 2002 йил 20 февралдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони; 2006 йил 7 августдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сонли қарори; 2008 йил 15

июлдаги “Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори; 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги 1271-сонли қарори; 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1426-сонли қарори; 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4456-сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадқиқот ишида юқоридаги ҳужжатлардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги 438-сонли фармони мамлакатимизда фан-техника имкониятларини кучайтириш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг аҳамиятини ошириш, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни таъминлашга хизмат қилди. Мазкур фармон билан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, инновация ишлари 1992-1995 йилларда қўшимча қиймат солиқ тўлашдан озод қилинди.

Ушбу фармонни ижросини таъминлаш мақсадида 1992 йил 21 июлда 337-сонли Ҳукумат қарори қабул қилиниб, жумладан, қуйидагилар амалга оширилди: фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича фан номзодлари ва докторлари тайёрлашнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар бажарилди; ёшлар орасидан истеъдодли олимларни тажриба орттириш учун хорижий марказларга юбориш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди; Фанлар академияси илмий муассасалари учун дастурий мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида, технологик асбоб-ускуналар ва хомашё етказиб беришни таъминлаш тегишли ташкилотларга юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожланишини таъминлаш тўғрисида”ги 223-сонли қарори мамлакатимизда илм-фанни, айниқса, фундаментал фанларни ривожлантиришга катта туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 77-сонли қарори мамлакатимизда илм-фан ривожининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги 1271-сонли қарорига асосан, ёш олимларнинг

илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010-2011 йилларга мўлжалланган Ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари танлови ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1426-сонли қарори олий таълимдан кейинги таълим институтларини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4456-сонли фармонини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, унинг аппарати тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими (DSc) жорий қилиниши олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини умумқабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга яқинлаштиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур тизим 2013-2016 йилларда ўзини оқлаган ҳолда, 2017 йилдан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда, жумладан, қуйидагиларни эътиборга олиб, ушбу тизимнинг ўрнини қайта англаш зарурати пайдо бўлди: илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини тобора жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш; иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш; ОТМ ва ИТМнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш; илмий салоҳиятдан республиканинг инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони асосида 2017 йил 1 июлдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълимда икки поғонали тизимнинг жорий этилиши таълим ва фан интеграциясини самарали ташкил қилиш асосида мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди. Олий таълимдан кейинги таълимнинг икки поғонали тизимини жорий қилган ҳолда, талабгорларни PhD ва DSc илмий даражаларида тасдиқлаш амалиёти таълим ва фан интеграциясини таъминлаган ҳолда, аввало, қуйидаги мақсадларни амалга оширишга мустаҳкам пойдевор яратди:

- а)** мазкур тизим жамият тараққиёти ва табиат ҳодисаларининг эволюцион тарзда объектив ривожланишига монанд равишда кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар сифати ва натижадорлигини тубдан оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади;
- б)** иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси асосида тадқиқотларни ташкил этиш илмий салоҳиятни мустаҳкамлашда ва олий малакали кадрлар селекциясини амалга оширишда муҳим

восита сифатида алоҳида аҳамият касб этади;

в) олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитидаги чеклашни бартараф этишга хизмат қилади;

г) салоҳиятли ва муайян тажрибага эга илмий даражали мутахассислар томонидан фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, ўз навбатида, мавжуд илмий мактаблар нуфузини янада ошириш, янги илмий мактабларни шакллантириш ва уларни ривожлантиришга хизмат қилади;

д) миллий хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда, ОТМ ва ИТМни жаҳон андозаларига мослаштириш, таълим ва илм-фан сифатини юксалтириб бориш ва самарали бошқарув тизимини тўлақонли жорий этиш бўйича ўтиш даврида олий таълимдан кейинги таълим икки поғонали тизимининг имкониятларидан унумли фойдаланишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, олий таълим узлуксиз таълим тизимида бош ўринни эгаллаши, ОТМ битирувчиси дипломи ёки илмий даражасини белгиловчи диплом эгаси бўлган ҳолда тезда иш топиши билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларида фаол иштирок этади, маънавий ва моддий бойликлар ишлаб чиқаради. Унинг билим даражаси, малакаси ва амалий кўникмалари, ташаббускорлиги, касбий фаолиятига ижодий ёндашиши жамиятдаги ўрнини ва карьерасини ҳам белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида”ги 371-сон фармони (1992 йил 31 март).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4456-сонли фармонини (2012 йил 24 июль).
3. “Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони (1992 йил 18 февраль).
4. “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги 438-сон фармони (1992 йил 8 июль).
5. “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги 1880-сон фармони (1997 йил 11 ноябрь).
6. “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони (2002 йил 20 февраль).
7. “Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сон қарори (2006 йил 7 август).
8. “Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2008 йил 15 июль).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 16 февраль).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарори (2017 йил 22 май).

11. Rajabova N.N. Early stages of archaeological study of the Kashkadarya oasis // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY 2(7): 26-33, July 2021. P. 26-33.
12. Ражабова Н. История изучения археологических работ кафедры археологии НУУз на территории Кашкадарьи (90-е годы XX – нач. XXI в.). Наука и современность / Евразийское научное объединение. XLVII Международная научная конференция. Январь (2019). Часть 7. С. 377-379.

